

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ВАФОКУЛОВА НАРГИЗА ҲАМЗАЕВНА

**ЭРТА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА НОРОВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ
КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.10 - Юқумли касалликлар

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро - 2025

Фалсафа докторлик (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата доктора философии (PhD)

Contents of the Doctor of Philosophy (PhD) abstract of dissertation

Вафокулова Наргиза Ҳамзаевна

Эрта ёшдаги болаларда норовирус инфекцияси
кечиш хусусиятлари.....3

Вафокулова Наргиза Ҳамзаевна

Особенности течения норовирусной инфекции у детей
раннего возраста.....29

Vafokulova Nargiza Khamzaevna

Features of the course of norovirus infection in
young children.....53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works58

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМий ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ВАФОКУЛОВА НАРГИЗА ҲАМЗАЕВНА

**ЭРТА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА НОРОВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ КЕЧИШ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.10 - Юқумли касалликлар

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО - 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновация вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.2.PhD/Tib3546 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.bsmu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мусабаев Эркин Исакович
Ўзбекистон ФА академиги,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қосимова Раъно Ибрагимовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Раҳматуллаева Шаҳноза Баҳодировна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**Абу Али ибни Сино номидаги
Тожикистон давлат тиббиёт
университети**
(Тожикистон республикаси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/29.02.2024. Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. (e-mail: info@bsmi.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. (e-mail: info@bsmi.uz).

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ кун тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Ж. Тешаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

Н.Қ. Дўстова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, тиббиёт фанлари
доктори (DSc)

А.Р. Облоқулов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё бўйича турли мамлакатлар худудларида ўтказилган тадқиқотларга кўра, ўткир гастроэнтерит билан шифохонага ётқизилган болаларда норовирусларни аниқлаш натижаси 6 % - 48 %, ўртача 12-14 % ташкил этади. Ўткир ичак инфекциялари билан касалланиш ҳаётининг биринчи йилидаги болалар орасида ва айрим ҳолатларда ўлим қайд этилиши, бу ёшдаги болаларда иммунитет ривожланиши етишмовчилиги сабабли иккиламчи асоратлар натижасида нохуш оқибатлар кузатилиши мумкин бўлган гуруҳга киради. Охирги йилларда олимлар норовируслар ўткир ичак касалликларининг катта ёшдаги одамларда кузатиладиган эпидемияларига, балки барча ёш гуруҳларида ҳам ўткир ичак инфекцияларнинг спорадик ҳолатларининг тез-тез келиб чиқишига сабаб бўлишини ёзишмоқда. Эрта ёшдаги болалар ўткир ичак инфекциялари билан юқори касалланиш кўрсаткичларига эга бўлиб, бу бутун дунёда бу касаллик ташхисот усулларини такомиллаштириш чораларини кучайтириш зарурлигини кўрсатади.¹

Жаҳонда норовирус инфекцияси бир ёшгача бўлган болаларда ўткир ичак инфекцияларининг чақирувчиси бўлиб, 7% дан 23,6% гача қайд этилади. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, дунёда ҳар йили 5 миллиардга яқин инсонлар ўткир ичак инфекциялари билан касалланади. Ёш болалар орасида касалланиш юқори 70-80% кўрсаткичларда кузатилиб, эрта ёшдаги болалар улуши касалланган болалар умумий сонининг 48% дан 61,9% изини ташкил этади. Сўнгги йилларда болаларда ўткир ичак инфекцияларининг микст шакли тобора кўпайиб бормоқда. Микст этиологияли ўткир ичак инфекциялари вирус-вирус, вирус-бактериал ассоциацияда кузатилиб, уларни ўрганиш касалликка ўз вақтида ташхис қўйилиши ва адекват даво муолажалари тайинланишини таъминлайди.

Мамлакатимизнинг кескин континентал иқлим минтақасида географик жойлашуви баъзи юқумли касалликлар, шу жумладан, болалар орасида диарея касалликларининг кузатилишига имкон яратади. Ўзбекистонда ўткир ичак инфекциялари амалий ва илмий тиббиёт учун долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикасида болалар туғилиши Россия, Европа ва ривожланган давлатларга нисбатан анча юқори кўрсаткичларни ташкил қилади. Сўнгги йилларда клиник амалиётда молекуляр генетик тадқиқот усулларидан фойдаланиш ўткир ичак касалликларини келтириб чиқарадиган кўплаб вирусларни аниқлаш имконини берди, бу ўз навбатида ушбу беморларга аниқ тасдиқланган ташхис қўйиш ва даволашда ўта муҳим аҳамиятга эга. Кўп йиллик (50 йил ва ундан ортиқ) кузатувимиз шуни кўрсатадики, Самарқанд вилоят юқумли касалликлар клиник шифохонасида даволанган болалардаги ЎИИ касалликлари мавсумий характерга эга бўлиб, йилнинг июн, июл ва август ойларида касалланиш кескин ошиб, ЎИИ эрта ёшдаги болалар орасида

¹ Atmar R.L., Estes M.K. // Diagnosis of noncultivable gastroenteritis viruses, the human caliciviruses. Clin Microbiol Rev - 2001. - V. 14 (1) - P. 15-37.

пасайиш тенденциясига эга эмас. Норовирус инфекцияси айрим ҳолатларда болаларда якка эмас, балким, бошқа вирус ва бактериялар билан қўшилиб касаллик чақириши ҳам аниқланилган. Ўзбекистон республикасида ҳозиргача мавжуд илмий адабиётларда норовирус инфекцияларининг болаларда вирус-вирус ёки вирус ҳамда бактериялар билан қўшилиб кечадиган шакллари ўрганилмаган.

Ўзбекистон республикаси президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ 60 сон фармонида фуқароларни сифатли табиий хизматлар билан таъминлаш, касалликларни эрта босқичда аниқлаш ва даволаш” ижросини таъминлаш тадқиқотимизнинг асосий вазифасига киради².

Юқоридагиларга асосланиб, республикамизда эрта ёшдаги болаларда ЎИИ ларининг асосий сабабларидан бири бўлган норовирус инфекциясини чуқурроқ ўрганишни тақозо этади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация иши республика фанлари ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларидан бири VI. «Тиббиёт ва фармакология» га мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Норовируслар 1968 йил октябр ойида Норвильдаги мактабда (Огайо штати, АҚШ) содир бўлган ўткир гастроэнтерит эпидемиясини ўрганиш пайтида ўрганилган. Ушбу эпидемияни лаборатор текширувининг биринчи босқичида этиологиясини ўрганишнинг имкони бўлмаган ва уч нафар кўнгилли инсонларда беморларнинг ичак таркибидаги абактериал экстрактини юктириб касаллик чақириш орқали касалликнинг юқумли эканлиги тасдиқланди (Bartnicki E.V. et al. 2017 йил). 1972 йилда Korikian ва бошқа муаллифлар маълумотларига кўра, Norfolk эпидемияси пайтида беморларнинг копроматериалларини ИЭМ усулида текширишда вирусли зарралар аниқланилди. АҚШда норовируслар йилига тахминан 23 миллиондан ортиқ гастроэнтерит ҳолатини келтириб чиқаради. Эрта ёшдаги болаларда ротавируслардан кейин иккинчи ўринда туради. 1991 йилдан 2006 йилгача бўлган даврда GII 4 норовирусининг эпидемиологик вариантларининг изчил ўзгариши ҳар 2 йилда кузатилди ва ўткир гастроэнтеритларнинг глобал эпидемияси келиб чиқишига сабаб бўлди. Рекомбинант штаммларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли юқорилиги ҳайвон норовирусларининг инсон норовируслари эволюциясидаги ролини кўрсатди. Бироқ ўткир гастроэнтеритлар билан касалланишда норовирусларнинг роли яқин йилларгача етарли баҳоланмаган.

Е.А. Горелов норовирус инфекциясининг 38 та эпидемик ҳолатини ўрганиш давомида беморларда қуйидаги аломатлар кузатилди: кўнгил айнаши (79%), қусиш (69%), диарея (66%), бош оғриғи (22%), иситма (37%),

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 25.04.2022 йилдаги ПҚ-216-сон, 2022 - 2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида

ваража (32%) (109). Клиник тадқиқотлар натижасида норовирусга хос иммун жавоб ривожланадиган Norvolk вируси билан симптомсиз касалланиш ҳолатлари аниқланди. Сергеева А.В. (2015 й.) маълумотларига кўра, касаллик симптомсиз кечганда, шунингдек, инфекциянинг ўткир манифест шакли кузатилган беморлар уч ҳафта ёки ундан кўпроқ муддат давомида вирусли зарраларни ажратиши мумкинлиги тасдиқланган. Рус олимлари маълумотлари, жумладан, Вирусли гастроэнтеритларнинг амбулатор ва стационар шароитда кечиш хусусиятларини Мальцева Ю.В. (2020 й.), микст этиологияли ўткир ичак инфекциялари диагностикасини Тхакушинова Н.Х., (2017), вирус этиологияли ўткир ичак инфекциялари молекуляр генетик мониторингини Сергеева А.В. ва б. (2015), Шкарин В.В. (2016) микст ўткир ичак инфекциялари кечиш хусусиятлари, Епифанова Н.В. (2021) коронавирус пандемиясидан сўнг норовируслар циркуляциясини ўрганишган. Милютинина Л.Н. ва б. (2017) томонидан норовирусли инфекциянинг моно ва микст шакллари кечиш хусусиятларини ўрганилган.

Ўзбекистонда Мусабаев Э.И. (2011), Даминов Т.А. (2014), М.У. Асилова (2014), Г.А. Ибадова (2015), Л. Н.Тўйчиев (2017), Г.К.Худайкулова (2017), Г.К.Абдухалилова (2016), М.С. Шаджалилова (2018) ва У.Э.Эралиев (2018), Мулладжанова К. А. (2021) каби тадқиқотчилар бактериял ва вирусли диареяларнинг турли ёшлардаги хусусиятларини ўрганишган. Охириги йиллар Ўзбекистонда болаларда ЎИИ нинг вирусли этиологиясини ўрганиш бўйича олиб борилган илмий ишлар (Исмаилов У. Ю. 2011) асосан болаларда ротавирус инфекциясини ўрганишга бағишланган. Унинг маълумотларига кўра, 3 ёшгача бўлган болаларда кузатилган ЎИИ касалликларига нинг 25,5 % ҳолда ротавируслар сабаб бўлган. Асилова М. У. томонидан тақдим этилган докторлик диссертацияси маълумотларида республикамизда болалар орасида ЎИИ ҳолатларининг 77,5% вирусли хусусиятга эга бўлиб, улардан ротавируслар 21,0%, норовируслар 17%, аденовируслар 14% ва астровируслар 10% ни ташкил қилади (2015).

Бу ишдан хулоса шуки, болалар орасида учрайдиган вирусли диареялар асосан куз қиш мавсумийлигига эга. Эрта ёшдаги болалар орасида ўткир ичак инфекциялари билан касалланиш асосан ёз ойларида кузатилади. Ҳаво ҳарорати кўтарилиши билан ёш болаларда ўткир юқумли ичак инфекциялари билан касалланиш сонининг ошиши тадқиқот давомида аниқланилди (56%). Адабиётларда бу ёшдаги болаларда норовирус этиологияли ўткир ичак инфекциялари кечиш хусусиятлари ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, 5436 №012400288 рақамли илмий лойиҳа доирасида бажарилган: «Юқумли ва юқумли бўлмаган ижтимоий аҳамиятга эга касалликларнинг олдини олиш, ташхислаш ва даволаш учун замонавий технологияларни яратиш ва жорий этиш» (2024-2028 йиллар).

Тадқиқотнинг мақсади эрта ёшдаги болаларда норовирус этиологияли ўткир ичак инфекцияларининг клиник кечиш хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

эрта ёшдаги болаларда ЎИИ структурасида норовирус инфекцияси ўрнини аниқлаш;

эрта ёшдаги болаларда норовирус моноинфекцияси клиник кечиш хусусиятларини ўрганиш;

эрта ёшдаги болаларда норовирус инфекцияси микст шакллари кечиш хусусиятларини ўрганиш;

эрта ёшдаги болаларда норовирус инфекциясини замонавий усулларда эрта ташхисотини йўлга қўйиш ва ташхисот алгоритминини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилоят юқумли касалликлар клиник шифохонасига ЎИИ ташхиси билан ётқизилган 1 ёшгача бўлган 629 нафар болалар кузатув остига олинган.

Тадқиқот предмети сифатида «Ўткир ичак инфекцияси» ташхиси қўйилган болаларнинг қони ва нажаси олинган. ЎИИ билан касалланган болаларда полимерза занжирли реакция (ПЗР) усулида норовирус аниқланган болаларнинг клиник протоколлари олинди. Шунингдек, бу болаларда патоген ва шартли патоген флорани аниқлаш учун нажас таҳлили, умумий қон таҳлили, умумий сийдик таҳлили ўтказилган. Норовирус антигени ПЗР диагностикаси Вирусология илмий текшириш институтида амалга оширилган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот вазифаларининг ҳал этиш мақсадида тадқиқот давомида клиник, лаборатор-умумий қон таҳлили, умумий сийдик таҳлили, умумий нажас таҳлили, нажас бактериологик таҳлили, ПЗР ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Самарқанд вилоятида илк мартаба Юқумли касалликлар клиник шифохонасига ўткир ичак инфекциялари ташхиси билан ётқизилган эрта ёшдаги 0-3 ойлик, 3-6 ойлик, 6-9 ойлик, 9-12 ойлик бўлган болаларда норовирус 7% дан 23,6% гача учраши аниқланган;

эрта ёшдаги болалар орасида норовирус этиологияли ўткир ичак инфекциялари 114 нафар болаларда моноинфекция, 212 нафар болаларда микст кўринишда (норовирус-вирус ва норовирус-бактериал этиологияли) кечиши, иссиқ иқлим шароитида давомли ўтиши тасдиқланган;

илк мартаба эрта ёшдаги болаларда норовирус инфекциясининг норовирус-вирус микст инфекция кўринишида норо-ротавирусли микст тури, вирус бактериал кечишида шартли патоген флора вакиллари ва кампилобактерияли микст тури устунлик қилиши исботланган;

Соғлиқни сақлаш амалиётига ўткир ичак инфекцияларининг ташхислашда иммунофермент таҳлил усулини киритиш эрта муддатларда касаллик қўзғатувчисини аниқлаш ва далилларга асосланган даволаш усулини ўз вақтида ўтказиш имконини берган. Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинидаги муассасаларда норо- ва бошқа вирусли диареяларни

аниқлашда ИФТ (IgM ва IgG) усулини амалиётга татбиқ этиш вирусли ЎИИ лар ташхисотини осонлаштириш орқали иқтисодий самарадорликка эришилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Самарқанд вилоят юқумли касалликлар клиник шифохонасига ЎИИ ташхиси билан ётқизилган эрта ёшдаги болалар орасида номаълум этиологияли ўткир ичак инфекциялари этиологик структурасида норовирусли инфекция кечиш хусусиятлари ўрганилди ва эрта ёшдаги болаларда ўткир ичак инфекциялари орасида норовирус инфекцияси ўрни кўрсатиб берилган.

Эрта ёшдаги болалар орасида норовирус моноинфекциясини ўрганиш натижалари бу ёшдаги беморларда касалликнинг моновариантини кечиш хусусиятларини аниқлаб, ўз вақтида адекват патогенетик даволаш ўтказишга ердан берган.

Эрта ёшдаги болалар орасида норовирус инфекцияси микст шаклларини ўрганиш касалликка ўз вақтида ташхис қўйишга, далилларга асосланган даволаш усулини ўз вақтида ўтказиш имконини берган.

Эрта ёшдаги болаларда норовирус инфекцияси касаллигини ўрганиш асосида ташхисот қўйиш алгоритми ишлаб чиқилди, амалиётга болаларда норовирусли инфекция касаллигини замонавий усулларда эрта ташхислаш усуллари киритилди. Тадқиқот натижалари педиатр, юқумли касалликлар бўйича мутахассислар, умумий амалиёт шифокорлари, неонатологлар амалиётида фойдаланиш учун тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ишда назарий ва амалий ёндашув ҳамда қўлланилган усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, тадқиқотларда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, бактериологик, ПЗР ва статистик усуллар, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти эрта ёшдаги болаларда норовирус инфекциясига ташхис қўйишда такомиллашган қиёсий-ташхисот ва башоратловчи мезонларини ишлаб чиқиш билан асосланади. ПЗР ва ИФТ диагностикасини амалиётга жорий этиш ЎИИ касалликлари структурасида эрта ёшдаги болаларда норовирус инфекциясининг ўрнини аниқлаш ва кўрсатиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти эрта ёшдаги болалар орасида норовирус инфекцияси моно ва микст шаклда кечиш хусусиятларини ўрганиш касалликка ўз вақтида ташхис қўйилиши, касалликни эрта ташхислаш сифатининг яхшиланиши, касаллик асоратларининг олдини олиш, далилларга асосланган даволаш усулини ўз вақтида ўтказиш ҳамда тадқиқот натижалари педиатр, юқумли касалликлар бўйича мутахассислар, умумий амалиёт шифокорлари, неонатологлар амалиётида фойдаланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Эрта ёшдаги болаларда норовирус инфекцияси кечиш хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: Самарқанд вилоятида илк маротаба Юқумли касалликлар клиник шифохонасига ЎИИ ташхиси билан ётқизилган эрта ёшдаги 0-3 ойлик, 3-6 ойлик, 6-9 ойлик, 9-12 ойлик бўлган болаларда норовирус инфекцияси 7% дан 23,6% гача учраши бўйича натижалар Самарқанд давлат тиббиёт университети эксперт кенгаши томонидан 25.06.2024 йил 11-сон билан тасдиқланган “Болаларда норовирусли инфекция касаллигини замонавий усулларда эрта ташхислаш” номли услубий тавсияномага киритилган. Жиззах вилоят Юқумли касалликлар шифохонасининг (Жиззах вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармасининг 11.07.2024 йилдаги 01-1386-сонли хати, Жиззах вилоят Юқумли касалликлар шифохонасининг 23.07.2024 йилдаги 21-сонли буйруғи) амалиётга жорий қилиш тўғрисидаги далолатномаси (23.08.2024 йил 18-сон) ва Сирдарё вилоят Юқумли касалликлар шифохонасининг (Сирдарё вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармасининг 23.08.2024 йилдаги 01/968 - сонли хати, Сирдарё вилоят Юқумли касалликлар шифохонасининг 23.08.2024 йилдаги 52-сонли буйруғи), амалиётга жорий қилиш тўғрисидаги далолатномаси (23.09.2024 йил 16-сон) билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий техник кенгашининг 13.11.2024 йилдаги 08/35-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* Самарқанд вилоят юқумли касалликлар клиник шифохонасига ўткир ичак инфекцияси ташхиси билан ётқизилган эрта ёшдаги болалар орасида номаълум этиологияли ўткир ичак инфекциялари этиологик структурасида норовирус инфекцияси ўрни ўрганилган ва эрта ёшдаги болаларда ўткир ичак инфекциялари орасида норовирус инфекцияси учраш частотаси кўрсатиб берилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* эрта ёшдаги болаларда номаълум этиологияли ўткир ичак инфекциялари этиологик структурасида норовирус инфекциясини ўрганиш адекват даво ўтказилишига ва койка кунларининг қисқаришига, шу асосда ҳар бир беморга бир койка куни учун 29450 сўм миқдорида маблағни тежаш имконини берган. *Хулоса:* эрта ёшдаги болалар орасида номаълум этиологияли ўткир ичак инфекциялари этиологик структурасида норовирус инфекцияси ўрнини ўрганиш эрта ёшдаги болаларда норовирус инфекциясига тўғри ташхис қўйиш орқали бюджет маблағларини кунига 26786 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни кунига 91000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: эрта ёшдаги болаларда норовирус этиологияли ўткир ичак инфекциялари 114 нафар болаларда моноинфекция, 212 нафар болаларда микст кўринишда (норовирус-вирус ва норовирус-бактериал этиологияли) кечиши, иссиқ иқлим шароитида давомли ўтиши тасдиқланганлиги ҳақидаги натижалар Самарқанд давлат тиббиёт университети эксперт кенгаши томонидан 25.06.2024 йил 11-сон билан тасдиқланган “Болаларда норовирусли инфекция касаллигини замонавий усулларда эрта ташхислаш» услубий тавсияномасига киритилган. Жиззах

вилоят Юқумли касалликлар шифохонасининг амалиётга жорий қилиш тўғрисидаги далолатномаси (23.08.2024 йил 18-сон) ва Сирдарё вилоят Юқумли касалликлар шифохонасининг амалиётга жорий қилиш тўғрисидаги далолатномаси (23.09.2024 йил 16-сон) билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий техник кенгашнинг 13.11.2024 йилдаги 08/35-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* эрта ёшдаги болаларда норовирусли моноинфекция клиник кечиш хусусиятларини аниқлашга ва шу орқали касаллик эрта ташхисотини такомиллаштиришга имкон берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* эрта ёшдаги болаларда норовирусли моноинфекция кечиш хусусиятларини ўрганиш иссиқ иқлим шароитида касалликнинг давомли ўтишини ҳисобга олган ҳолда ўз вақтида ташхис қўйилишига, касалликнинг 3 ойгача бўлган болаларда оғир кечишининг олдини олишга, юқумли касалликлар бўлимларида ётоқ кунларини камайтириш имконини берди ва ҳар бир беморга даволаниш курси учун 380443 миқдорида маблағ иқтисод қилинишига ва адекват даво ўтказилиши ҳисобига беморларнинг шифохонада қолиш муддатини қисқартириб, дори-дармон тежалишига олиб келди (1 беморга кунига 27563 сўмлик дори воситалари ва 26786 сўмлик озик овқат сарф қилинган). *Хулоса:* Самарқанд вилоятида эрта ёшдаги болаларда иссиқ иқлим шароитида норовирусли инфекция моно ва микст (норовирус-вирус ва норовирус-бактериал) шаклида кечишини ўрганиш даволаш самарасини ошириши ва касаллик асоратларини камайтириши исботланди.

учинчи илмий янгилик: илк мартаба эрта ёшдаги болаларда норовирус инфекциясининг норовирус-вирус микст инфекция кўринишида нороротавирусли микст тури, норовирус бактериал микст турида шартли патоген флора вакиллари ва кампилобактерияли тури устунлик қилиши исботланганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети эксперт кенгаши томонидан 25.06.2024 йил 11-сон билан тасдиқланган “Болаларда норовирусли инфекция касаллигини замонавий усулларда эрта ташхислаш» услубий тавсияномасига киритилган. Жиззах вилоят Юқумли касалликлар шифохонасининг амалиётга жорий қилиш тўғрисидаги далолатномаси (23.08.2024 йил 18-сон) ва Сирдарё вилоят Юқумли касалликлар шифохонасининг амалиётга жорий қилиш тўғрисидаги далолатномаси (23.09.2024 йил 16-сон) билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий техник кенгашнинг 13.11.2024 йилдаги 08/35-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* норовирус инфекцияси вирус вирус кечишида нороротавирусли микст тури, вирус бактериал кечишида бошқа патоген микроорганизмлар ассоциациясида микст кечишининг клиник хусусиятларини аниқлашга ва шу орқали касалликка эрта ташхис қўйиш, рационал даво чораларини такомиллаштиришга имкон берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* эрта ёшдаги болаларда касаллик кечиш хусусиятларини ўрганиш уларда ташхисот сифатини яхшилашга ва лаборатор харажатларни қисқартиришга ёрдам берди. ЎИИ билан касалланган беморлар шифохонага тушган кунидан бошлаб, стандарт бўйича турли инфекцияларга

бактериологик экма учун таҳлил топширишади (битта озука муҳити ўртача 58750 сўмни ташкил этади). Касалликка ўз вақтида тўғри ташхис қўйилиши натижасида бир беморга лаборатория харажатларидан 295000 сўм иқтисод қилинган (бир беморга бактериологик таҳлил 235000 сўмни, антибиотик сезгирлик таҳлили 60000 сўмни ташкил этади). *Хулоса:* эрта ёшдаги болаларда норовирус инфекцияси моноинфекция ва микст шакллари кечиш хусусиятларини ўрганиш ушбу беморларни даволаш натижаларига сезиларли ижобий таъсир кўрсатиб, касаллик асоратларининг камайтириш имконини берди;

тўртинчи илмий янгилик: эрта ёшдаги болаларда норовирусли инфекцияда ташхисот алгоритмини ва ўткир ичак инфекциялари вирус қўзғатувчиларининг иқтисодий жиҳатдан кам маблағ талаб этиладиган ИФТ усулини амалиётга киритиш касалликка ўз вақтида ташхис қўйилиши ва адекват даволаш усулини қўллаш аҳамиятлилиги бўйича натижалар Самарқанд давлат тиббиёт университети эксперт кенгаши томонидан 25.06.2024 йил 11-сон билан тасдиқланган «Болаларда норовирусли инфекция касаллигини замонавий усулларда эрта ташхислаш» услубий тавсияномасига киритилган. Жиззах вилоят Юқумли касалликлар шифохонасининг амалиётга жорий қилиш тўғрисидаги далолатномаси (23.08.2024 йил 18-сон) ва Сирдарё вилоят Юқумли касалликлар шифохонасининг амалиётга жорий қилиш тўғрисидаги далолатномаси (23.09.2024 йил 16-сон) билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий техник кенгашнинг 13.11.2024 йилдаги 08/35-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинидаги муассасаларда норо- ва бошқа вирусли диареяларни аниқлашда иммунофермент таҳлил (IgM ва IgG) усулининг амалиётга татбиқ этилиши ва ташхис қўйиш алгоритми ишлаб чиқилиши эрта ёшдаги болаларда норовирус инфекциясига эрта ташхис қўйиш ва адекват даволаш усулларини такомиллаштиришга имкон берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* ўткир ичак инфекциялари вирус қўзғатувчиларининг иқтисодий жиҳатдан кам маблағ талаб этиладиган иммунофермент таҳлил усулини амалиётга киритиш касалликнинг эрта муддатларида тезкор ташхис қўйиш имконияти (ушбу усулда ташхис қўйиш битта беморга 25000 сўмни, ПЗР усулида ташхис қўйиш битта беморга 250000 сўмни ташкил этади) бюджет маблағларини 225000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 179654 сўмга тежаш имконини берди. *Хулоса:* эрта ёшдаги болаларда норовирусли инфекция касаллигида ташхисот қўйиш алгоритми, ҳамда замонавий усулда эрта ва самарали ташхислаш усули педиатрлар, юқумли касалликлар бўйича мутахассислар, умумий амалиёт шифокорлари, неонатологлар амалиётида фойдаланиш учун тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий

натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларнинг ишонарлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Норовирусли инфекция кечиш хусусиятлари»** номли биринчи бобида илк ёшдаги болаларда норовирусли инфекциянинг этиопатогенетик, эпидемиологик, клиник-лаборатор қирраларини ўрганиш бўйича сўнгги йилги адабиёт маълумотлари акс этилган, бир ёшгача бўлган болаларда кечиш хусусиятлари ҳамда касаллик ташхисоти замонавий ёндошувлари кўриб чиқилган. Маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг илмий ютуқлари замонавий даражада чуқур таҳлил қилинган, шарҳда норовирусли инфекция кечиш хусусиятлари, ташхисотида ИФТ ва ПЗР усуллари ташхисий аҳамияти ҳақида тавсифлар берилган, шу соҳада нашр этилган кўплаб тадқиқотлар кўриб чиқилган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган томонлари белгиланган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **«Норовирус инфекцияси кечиш хусусиятини ўрганиш бўйича материаллар ва текшириш усуллари тавсифи»** келтирилган. Тадқиқот объекти - 1 ёшгача бўлган ўткир ичак инфекциялари билан касалланган 629 нафар беморлар маълумотлари бўлди.

Тадқиқот иши 3 йил давомида Самарқанд вилоят юқумли касалликлар клиник шифохонасининг “Ўткир ичак инфекциялари” бўлимида даволанган 1 ойликдан 1 ёшгача бўлган беморлар олинган. «ЎИИ» ташхиси билан ётқизилган 629 нафар 0-1 ёшгача бўлган беморларнинг нажасини норовирусларга аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Вирусология илмий-тадқиқот институти лабораторияси ходимлари билан ҳамкорликда ПЗР ёрдамида, Ампли Сенс (Москва) тест тизимидан фойдаланилган ҳолда ўтказилди. Беморларни ПЗР усули ёрдамида текширишда норовирус инфекциясидан ташқари, ЎИИ нинг бошқа вирус ва бактериал патогенлари мавжудлигига ҳам эътибор берилди. Тадқиқот “Ўткир ичак инфекцияси” ташхиси билан 1 ойликдан 1 ёшгача касалланган болаларда ўтказилди. Норовирус моноинфекцияси 114 беморда қайд

қилинган, бу умумий (629 нафар) текширилганларнинг 114 (18,1%) ни ташкил этади. 212 нафар беморда 33,7 % ҳолда норовирус инфекциясининг микст кўринишда кечиши аниқланилди (1-расм.).



1-расм. Кузатув остидаги 1 ёшгача бўлган болаларнинг касаллик шакллари бўйича тақсимланиши


48,1% ҳолда текширувдаги болаларда касаллик кўзгатувчилари аниқланилмади (303 нафар бемор). Норовирус инфекциясининг микст кечишида норовирусларнинг ҳам вируслар, ҳам бактериялар билан биргаликда учраши кузатилди.

1-жадвал

ЖССТ таснифига асосан норовирус моноинфекцияси ёш бўйича тақсимланиши (n=114)

Ёш	Текширилган беморлар сони	Норовируслар аниқланиши % ларда	
		абс	%
3 ойликкача	171	12	7%
6 ойликкача	185	40	21,6%
9 ойликкача	129	28	21,7%
1 ёшгача	144	34	23,6%
Жами	629	114	18,1%

Касалликнинг моноинфекция шакли 7% ҳолда 3 ойгача бўлган болаларда (171 нафар), 21,6% ҳолда 6 ойгача (185 нафар), 21,7% ҳолда 9 ойгача (129 нафар), 23,6% ҳолатда 9-12 ойлик оралиғида бўлган болаларда кузатилди-144 нафар (1-жадвал).



2-расм. ЖССТ таснифига асосан норовирус моно, микст шакли ва номаълум этиологияли ўткир ичак инфекцияларининг ёш бўйича тақсимланиши

Бизнинг кузатувимизда иссиқ иқлим шароитида касалликнинг микст шакли учраши моноинфекция шаклига нисбатан устунлик қилди (2-расм).

Кузатувдаги жами беморларнинг манзилгоҳлари ўрганилганда, шаҳар аҳолисини 215 нафар болалар (34,2%), қишлоқ аҳолиси - 414 нафарни (65,8%) ташкил қилди. Жинс бўйича тақсимлашда ўғил болалар, қиз болаларга нисбатан кўп бўлди (мувофиқ равишда 57,9% ва 42,1%). Касаллик юқиш механизми ўрганилганда, бизнинг тадқиқотимизда касаллик энг кўп ҳолатда мулоқот (44,1%), алиментар (14,1%) ва аралаш 15,5% йўллар билан юққан. 26,3% ҳолатда касаллик юқиш йўлини аниқлаш имкони бўлмади.

Болалар ўртасидаги овқатланиш таҳлил қилинганда маълум бўлдики, кузатувдаги болалар ўртасида овқатланишнинг сунъий овқатлантириш тури устунлик қилди. Бу ҳолат ушбу ёш гуруҳларида инфекцияни юқтиришнинг озик-овқат йўли устунлик қилишини кўрсатади. Анамнестик кўрсаткичлар таҳлилида маълум бўлдики, 105 (16,6%) болалар уй шароитида мустақил даволаниш ҳисобига шифохонага кеч ётқизилган. Кузатув остидаги касалликнинг моноинфекция шаклида аниқланилган ҳамроҳ патологиялар орасида: овқат аралашмаларига нисбатан аллергия (20,3%), экссудатив-катарал диатез - 12 (7,7%), гипотрофия (23,6%), паратрофия (36,7%) учради. Кузатув остидаги норовирусли инфекциянинг микст шакли қайд этилган болалар орасида 186 (87,7%) ҳолда преморбид фон аниқланилди (сунъий овқатланиш-80 (43%), тана вазни етишмовчилиги I-II даражаси- 44(23,6%), атопик дерматит-37 (19,8%), рахит- 25 (13,4%). Беморларнинг 90,9% изида камқонлик аниқланилди.

Диссертациянинг «Эрта ёшдаги болаларда норовирусли инфекция кечиш хусусиятлари» номли учинчи боби эрта ёшдаги болаларда норовирусли инфекция клиник хусусиятларини ўрганишга бағишланган.

Норовирус моноинфекцияси 3 ойликкача бўлган болалар орасида 12 та беморда аниқланилиб, бу 1 ёшгача бўлган болалар гуруҳида энг паст кўрсаткични 7% ни ташкил этди. Норовирус инфекцияси билан касалланишнинг энг юқори кўрсаткичи 9 ойдан 1 ёшгача бўлган болалар гуруҳида кузатилди (34-23,6%). 3 ойликдан 6 ойликкача, ҳамда 6 ойликдан 9 ойликкача бўлган бемор болалар гуруҳларида кўрсаткичлар бир хил бўлди (21,6% ва 21,7%).

2-жадвал

Норовирус моноинфекциясида касаллик бошланишида кузатилган клиник симптомлар

Касаллик симптомлари	Болалар ёши							
	0-3 ойлик		3-6 ойлик		6-9 ойлик		9-12 ойлик	
	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%
Қусиш (t ва ич кетиш кузатилмасдан)	6	20%	14	46,7%	4	13,3%	6	20%
Температура (қусиш ва ич кетиш кузатилмасдан)	-		2	50%	-		2	50%
Қусиш + t-ра	2	20%	4	40%	4	40%	-	
Температура + диарея	2	10%	6	30%	8	40%	4	20%
Диарея (t ва қусиш йўқ)	2	50%	-		2	50%	-	
Температура +қусиш +диарея			8	36,4%	6	27,2%	8	36,4%
Катарал белгилар	-		-		-		2	100%
Катарал белгилар +қусиш	-		-				2	100%
Катарал белгилар +температура + қусиш	-		4	40%	2	20%	4	40%
Катарал белгилар+ температура +қусиш+диарея	-		2	20%	2	20%	6	60%
Жами	12		40		28		34	

Норовирус моноинфекциясида кузатилган клиник симптомлар 2-жадвалда ўз аксини топган.

Барча болаларда интоксикация синдроми -ҳолсизлик, иштаҳанинг пасайиши, безовталиқ ва терининг қопламларининг оқариши кузатилди. Бизнинг тадқиқотимизда, норовирусли инфекциянинг моно-вариантида 40 нафар (35%) болаларда ҳарорат реакцияси субфебрил рақамларгача, 36 (31,5%) беморларда фебрил даражагача ошганлиги қайд этилди. 38 нафар (33,3%) болаларда тана ҳарорати меъёрий кўрсаткичларда қолди. Кўпчилик бемор болаларда тана ҳароратининг меъёрлашуви касалликнинг 3-кунида қайд этилган. Норовирус моноинфекцияси билан касалланган болаларнинг 104 нафари касалликнинг бошида дастлабки уч кун ичида шифохонага ётқизилган (91,2%) Шифохонага ётқизилиш пайтида 52 (45,6%) бемор болалар умумий аҳволи оғир, 62 нафари (54,4%) ўрта оғирликда деб қайд этилган. Кузатувимиз давомида касалликнинг энгил шакли аниқланилмади.

Дегидратация даражаси ЖССТ (2006) тавсияларига асосланиб баҳоланди (3-жадвал).

3- жадвал


Норовирусли моноинфекция билан касалланган болаларнинг сувсизланиш даражалари бўйича тақсимланиши (n=417)

Сувсизланиш гуруҳлари	Норовирусли моноинфекция м (n=114)		Номаълум этиологияли ЎИИ (n=303)		P
	Мутлоқ	%	Мутлоқ	%	
Сувсизланиш йўқ			115	37,9%	<0,001
Ўртача даража	62	54,4%	170	56,1%	<0,001
Оғир даражада	52	45,6%	18	6%	<0,001

Изоҳ: * - 1 чи ва 2 чи гуруҳлар бир бирига нисбатан фарқланиш ишончли (*-P<0,05; (**-P<0,01; (***-P<0,001)

Кузатувдаги норовирус моноинфекцияси билан касалланган болаларда сувсизланиш даражасига кўра ўрта оғир ва оғир шакллари қайд этилди: мос равишда 62 (54,4%) ва 52 (45,6%). Шунинг таъкидлаш жоизки, норовирус моноинфекцияси 3 ойликкача бўлган болаларда оғир ўтиши аниқланилди.

Тадқиқот давомидаги кузатувдаги беморларда қон умумий таҳлили, сийдик умумий таҳлили, копроцитограмма текширилди.



3-расм. Норовирусли моноинфекция билан касалланган болаларда копрограмма кўрсаткичлари (n=114)

Норовирусли моноинфекция билан касалланган болаларда копрограмма кўрсаткичлари ингичка ичак функциясининг бузилиши жараёнларини кўрсатди: 39,5% бемор болаларда нейтрал ёғнинг кўпайиши,

93,8% болаларда ёғ кислоталари кўпайиши, 39,3% бемор болаларда крахмал ва ҳазм бўлмаган клетчатканинг кўплиги ва 12,2% бемор болаларда йодофил бактериялар, 2,2% беморларда шиллиқ аниқланилди (3-расм).

Юқоридагилардан шуни хулоса қилишимиз керакки, республикамизда эрта ёшдаги болаларда норовирус моноинфекцияси ЎИИ билан текширилган болалар умумий сонининг 18,1% ни ташкил этади. Тадқиқотлар давомида норовирус моноинфекцияси билан кўпинча сунъий 76 (66,7%) ва аралаш 18 (15,8%) овқатлантиришда бўлган болалар касалланишганлиги аниқланилди. Эрта ёшдаги болаларда касаллик оғир 52 (45,6%) ва 62 нафарида ўрта оғирликда (54,4%) кузатилган. Шуни таъкидлаш жоизки, норовирус моноинфекцияси 3 ойликкача бўлган болаларда оғир ўтиши аниқланилди.

Касалликнинг микст шакли кузатилган беморларнинг 122 (57,5%) тасида вирус+вирус, 90 (42,5%) тасида вирус+бактериал қўзғатувчиларнинг биргаликда учраши аниқланилган.

4-жадвалдан кўриниб турибдики, кузатув остидаги болаларда касалликнинг микст шаклида вирус-вирус комбинацияси учраши бўйича устунлик қилди.

4-жадвал

Норовирусли инфекциянинг 1 ёшгача бўлган болаларда моно ва микст шаклда кечишида болаларнинг ёш бўйича тақсимланиши (n=629)

Ёш	Жами текширилган беморлар	Норовирус моноинфекцияси аниқланилган беморлар		Норовирус инфекцияси микст шакли қайд этилган беморлар			
				Вирус +вирус		Вирус +бактериал	
		abs	%	abs	%	abs	%
0-3 ойлик	171	12	7%	16	9,3%	5	2,92%
3-6 ойлик	185	40	21,6%	36	19,4%	31	16,7%
6-9 ойлик	129	28	21,7%	39	30,2%	22	17,0%
9-12 ойлик	144	34	23,6%	31	21,5%	32	22,2%
Жами	629	114	18,1%	122	19,3%	90	14,3%

Касалликнинг микст шакли 3 ойгача бўлган болаларда 21 (22,8%), 6 ойгача 67 (36,2%), 47,2% ҳолда 9 ойгача (61 бемор), 43,7% ҳолатда 9-12 ойлик оралиғида бўлган болаларда аниқланилди (63 бемор). Кузатув остидаги касалликнинг микст шакли қайд этилган болалар орасида 185 (87,2%) ҳолда преморбид фон аниқланилди (сунъий овқатланиш-80 (43,2%), гипотрофия I-II даражаси-48 (25,9%), атопик дерматит-35 (18,9%), рахит-22 (11,8%). Беморларда 192 (90,5%) ҳолатда камқонлик аниқланилди.

Норовирусли инфекциянинг вирус+вирус микст вариантда кечиши куйидаги қўзғатувчилар билан биргаликда қайд этилди: *rotavirus, norovirus* 42 (34,4%), *rotavirus, astrovirus, norovirus* 14(11,4%), *norovirus, astrovirus* 8 (6,6%), *norovirus, astrovirus, adenovirus* 12 (9,8%), *norovirus, adenovirus* 24 (19,7%), *norovirus, rotavirus, adenovirus* 22(18,1%) (5-жадвал).

Кузатувдаги болаларда норовирусли инфекция вирус+вирус микст шакли кўринишлари (n=122)

№	Кўзгатувчи номланиши	Учраш частотаси
1.	<i>Rotavirus, norovirus</i>	42 (34,4%)
2.	<i>Norovirus, astrovirus</i>	8 (6,6%)
3.	<i>Rotavirus, astrovirus, norovirus</i>	14(11,4%)
4.	<i>Norovirus, astrovirus, adenovirus</i>	12 (9,8%)
5.	<i>Norovirus, adenovirus</i>	24 (19,7%)
6.	<i>Norovirus, rotavirus, adenovirus</i>	22(18,1%)
	<i>Жами</i>	100%

Норовирусли инфекция микст кўринишлари асосан 6 ойдан 1 ёшгача бўлган болалар орасида кўп учраган. Фикримизга кўра, бунга сабаб, болаларда овқатланишнинг ўзгариши, яъни она сути билан озиқлантирмаслик ва сунъий овқатлантиришга ўтказиш асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Касалликнинг микст инфекция кўринишида ўтиши 49,5 % ҳолда оғир, қолган ҳолатларда ўрта оғир деб баҳоланди (50,5%). Касалликнинг оғир шакли асосан микст инфекцияни 3 тадан ортиқ патогенлар кўзгатганда кузатилди.

Норо- ва ротавирус инфекцияси комбинациясида касаллик барча болаларда гастроэнтерит кўринишида кузатилди, бироқ касалликнинг бу шаклида энтерит синдроми устунлик қилди. *Rotavirus + norovirus* микст шаклида 108 (88,5%) болаларда касаллик бошида фақат қусиш кузатилган. Қусиш суткасига 4-5 мартагача асосан 0-3 ойлик ва 3-6 ойлик болалар гуруҳида кузатилган бўлса, 6-9 ойлик ва 9-12 ойлик болалар гуруҳида қусиш 2-3 мартагача аниқланилди. Касалликнинг 2-3 кунларидан бошлаб, кузатувдаги беморларда гастроинтестинал синдром яққол ифодаланганди: касалликнинг 1-кунида 35 (28,6%) беморларда нажас частотаси кунига 3-4 мартагача, 41 (33,6%) беморларда 5-7 мартагача, 46 (37,8%) беморларда 8-10 мартагача кузатилди. Касалликнинг 2-3 кунларидан бошлаб, 46 (37,7%) беморларда нажас частотаси кунига 5-6 мартагача, 44 (36%) беморларда 7-9 мартагача, 32 (26,3%) беморларда 10 мартадан зиёд қайд этилди. Нажас консистенцияси 55 (45,1%) беморларда асосан ҳазм бўлмаган клетчатка, бироз шилликдан иборат бўлиб, консистенцияси сувсимон эди. 74 (60,6%) беморларда касалликнинг 2-3 кунларидан бошлаб, диарея синдромидан ташқари, гастроинтестинал симптомлар (қоринда оғрик, ичакда қулдираш, қорин дамлаши, ўқчиш), 48(39,4%) беморларда респиратор синдром аниқланилди.

Норо- ва ротавирус микст инфекциясида беморларда интоксикация синдромида кўра, 102 нафар болаларда қусиш ва диарея синдроми устунлик қилиши аниқланилди (83,6%). Касалликнинг биринчи кунидан катарал белгилар (томоқ гиперемияси, фарингит, ринит) 55 (45%) беморларда қайд этилди. Деярли барча болаларда интоксикация белгилари аниқланилди-ҳолсизлик, иштаҳанинг пасайиши, безовталиқ ва тери қопламларининг

сувсизланиш белгилари кузатилди. Норо ротавирус инфекцияси комбинациясида тана ҳароратининг ошиши 87 (71,3%) нафар беморларда (38 °C дан баланд - 35 (28,7%) беморларда) қайд этилди. Норо ротавирус микст инфекциясида 29(23,7%) ҳолатда нажасда патологик аралашмалар аниқланилди. Тадқиқотлар давомида рота-норовирус инфекцияси микст шаклида касаллик моноинфекциясига нисбатан ротавирусли инфекция клиник кўриниши устунлик қилади.

Кузатувимиз остидаги норо ва ротавирусларнинг микст шаклида 110(90,2%) нафарида сувсизланишнинг ўрта даражаси кузатилган бўлса, 12 (9,8%) болаларда оғир даражали сувсизланиш аниқланилди. Норовирусли моноинфекцияда беморларнинг шифохонадан жавоб берилиши 3,5 кунга тўғри келди. Болаларнинг 3%да сувсизланишнинг йўқлиги, биринчи ўринда бундай болаларга амбулатор ёки уй шароитида дастлабки ёрдам кўрсатилганлиги билан боғлиқлиги аниқланилди. Сувсизланишнинг тез ривожланиши ҳисобига микст ҳолда учрайдиган норовирусли инфекциянинг оғир кечиши кузатилди.

Кейинги ўринни Norovirus, adenovirus микст инфекцияси эгаллади (24 нафар бемор-19,7%). Норовируснинг бу турида тана ҳароратининг ошиши 23 (96,1%) ҳолатда кузатилган. Тана ҳароратининг 38C дан ошиши 18(75,0%) ҳолатда қайд этилган. Интоксикация фонида қусиш 20,14% беморларда аниқланилган. Қусиш суткасига 1-2 марта аниқланилган. Иситманинг 38C° дан баланд ҳолда ушланиши 3 кун давомида 46,6% беморларда, 3-7 кун 26,2% беморларда кузатилган. Шу гуруҳдаги беморларда бодомча безларнинг катталаниши, безларда қараш аниқланилди. Томоқ безларининг катталаниши давомийлиги $4,5 \pm 0,21$ кунни ташкил қилди. Конъюнктивит 22,1% беморларда аниқланилган. Конъюнктивит давомийлиги $3,3 \pm 0,12$ кунни ташкил этди. Диарея частотаси суткасига 5 мартагача кузатилиб, давомийлиги $5,5 \pm 0,21$ кунни ташкил қилди. Гемограммада бу гуруҳдаги беморларда 83,3% беморларда лейкопения, 16,6 % беморларда лейкоцитоз қайд этилди.

Norovirus, rotavirus, adenovirus микст шакли 22 (18,1%) ҳолатда учради. Касалликнинг бу турида асосан гастроэнтерит синдром устунлик қилди. Norovirus, rotavirus, adenovirus микст комбинацияли ўткир ичак инфекцияларида касалликнинг 1 кунида 5 (22,7%), 2-куни 8 (36,3%) беморлар, 3-5 кунлари 9 (40,9 %) беморлар қабул қилинган.

Касалликнинг бу шаклида беморларнинг 17 (28%) касалликнинг 3-5 кунлари стационарга ётқизилган. 18(81,8%) беморларда иситма пиретик ва гиперпиретик турда қайд этилди (8 нафар беморда (36,4%) беморларда иситма 40 °C гача кўтарилиши), фебрилитет - 7(31,8 %) беморларда, субфебрилитет - 7(31,8%) беморларда аниқланилди. Иситма даври давомийлиги 3,5 суткагача давом этди ($3,5 \pm 0,12$). Бу ҳолатда иситма туширувчи дорилар суткасига 2-3 мартагача берилди. Айрим ҳолларда беморларга 2 мартагача литик аралашмалар инъекция усулида ҳам буюрилди. Norovirus, rotavirus, adenovirus комбинацияли ўткир ичак инфекцияларида қусиш 9 суткасига мартагача қайд этилди. Беморларнинг деярли барчасида

(100%) қусиш кўп марталик эканлиги кузатилди (суткасига 7-9 мартагача). Беморлардаги тўхтовсиз қусиш ўтказилаётган терапия фонида ҳам давом этди. Қусиш давомийлиги $5,1 \pm 0,21$ кунни ташкил этди. Норо, рота аденовирусли инфекцияда нажас характери асосан сувсимон бўлиб, нажас сони суткасига 3-5 мартагача кузатилди (6-27,3%). 8 нафар беморларда нажас ранги жигарранг, сарғимтир ёки яшил сариқ аралаш эди (36,4%). 5 (22,7%) беморларда нажас бадбўй хидли, 3 (13,6%) нордон хидли эди.

15 (68,1%) беморларда турли даражадаги сувсизланиш кузатилди. Беморларнинг стационарда даволаниш давомийлиги 1-3 сутка- 11 нафар (50%), 3-5 сутка 6 (27,2 %) 5-7 сутка, 3 (13,6%) нафар болаларда 7-9 сутка, 2(9%) беморларда 10 кундан зиёд давом этди.

Тадқиқот давомида *Norovirus*, *astrovirus*, *adenovirus* мист шакли комбинацияси ҳам бошқа шаклларига нисбатан камроқ кузатилди (12 нафар - 9,8%). Ушбу гуруҳдаги барча беморларда касаллик ўткир бошланиб, тана ҳароратининг кўтарилиши 7 нафар беморда 38,0-39,0 гача (58,3%), 2 нафарида 37,0-37,5 гача кузатилган (16,7%). 3 нафар беморда тана ҳароратининг 39 С дан ошиши аниқланилди (25%) 4 беморда (33,3%) кунига 2 мартадан 10 мартагача қусиш аниқланилган. Барча беморларда кунига 6-12 ($9,6 \pm 0,24$ кун) мартагача диарея синдроми кузатилди. 7 беморда безовталиқ қайд этилди (58,3%). Томоқ безларининг катталашishi давомийлиги $3,3 \pm 0,14$ кунни ташкил қилди. Конъюнктивит давомийлиги $3,2 \pm 0,15$ кунни ташкил этди. Кузатувдаги 2 беморда (16,7%) умумий сийдик таҳлилида - лейкоцитурия ва протеинурия аниқланилди. Қолган беморларда патологик ўзгаришлар қайд этилмади. Копрограмма таҳлилида 3 беморда нажас реакцияси ишқорий (25%), 5 беморда кислотали (41,7%), 3 беморда- ҳазм бўладиган клетчатка кўп миқдорда (25%), бир беморда (8,3%) крахмал доналари аниқланилди. Ушбу гуруҳдаги 6 беморда касалликнинг гастроэнтеритик варианты (50%), 6 беморда - энтероколит тури кузатилди (50%). Касалликнинг ўрта оғир шакли 7 беморга (58,3%), 5 беморга оғир шакли қўйилди (41,7%).

